



СОЦИОМАДАНИЙ ВА КОГНИТИВ ПРАГМАЛИНГВИСТИКА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сафаров Шаҳриёр,

Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори

Калим сўзлар: *социо-маданий прагматика, когнитив ёндашув, прагматик тамойил, редуционализм, инференция.*

Ҳозирги пайтда “прагматика” тушунчасига мурожаат қилмайдиган тадқиқотчи-тилшунос қолмади ҳисоб. Аммо ушбу сўзни қўллашда шунчалик кўп номутаносибликлар юзага келиб улгурдики, баъзан кишида тадқиқотчилар ягона бир тушунча, ходисани назарда тутаётганликларига ишониш ҳам қийин. Боз устига, охириги 20-30 йил давомида прагмалингвистика фани доирасидаги изланишлар кўлами кенгайиши натижасида, мустақил мақсадни қўзловчи, тадқиқ объектини алоҳида ажратиб олишга ҳаракат қилаётган ва ўз таҳлил методларига эга янги йўналишлар пайдо бўлиб бораётгани кузатилмоқда. Буларнинг барчаси прагмалингвистиканинг мақомини кўрсатиш, унинг тадқиқ объектини аниқлаш (лозим бўлса, чегаралаш) ва прагматик таҳлил қайси йўналишда ҳамда қай мақсадда кечиши лозимлигини белгилаш каби муаммолар долзарблигидан далолат беради.

Бирор бир фан соҳасининг мустақиллигини, унинг илмий мақомини белгилаш учун, даставвал, унинг нима билан машғул бўлишини аниқлаш лозим. Бу эса, албатта, соҳага берилаётган таърифда ўз аксини топади. Бинобарин, прагматикага берилган охириги таърифлардан бирини оладиган бўлсак, прагматикани кенг маънода тил воситасига узатилган ахборот хусусиятлари билан қизиқувчи соҳа сифатида қараш мумкин. Лекин ушбу ахборот қўлланилган лисоний шаклларнинг қабул қилинган қоидалар асосида шартланганлиги билан эмас, балки уларнинг (лисоний шаклларнинг Сафаров Ш.С.) умумий маъноларининг контекстга

мослашуви, унинг ҳисобидан бойиши замирида юзага келади” (Cruse 2000:6).

Алан Крус, худди бошқа олимлар сингари, тил воситаларининг мулоқот шароитида қўлланиши, фаоллашувига эътибор қаратмоқда. Лисоний шаклларнинг нутқий фаоллашуви эса турли омиллар, мулоқот шарт-шароити билан боғлиқ ва уларнинг манбаси кўпинча тил тизими чегарасидан ташқарида туради. Жоржиа Грин қайд этганидек, “Лингвистик прагматика когнитив ва бошқа фанларнинг ўзаро кесишув майдонидан ўрин олади. Бу майдонда нафақат тилшунослик, когнитив психология, маданий антропология ва фалсафа (логика, семантика, фаолият назарияси), балки социология (шахслараро муносабат ва ижтимоий қонун-қоидалар) ва риторика кабилар учрашади (Green 1996: 1-2).

Прагматиканинг бу қадар кенг қамровлилиги, турли фан соҳалари билан ҳамкорликни ёқтириши истеъмомдаги тушунчалар ва терминларнинг бисёрлигида ҳам кўринади.

Ҳарҳолда, таъриф-тавсифлардаги турли-туманлик, ёндашувлардаги ҳартомонламалик ва бошқа соҳалар билан алоқадорлик қанчалик даражада кенг миқёсда бўлишига қарамасдан, прагмалингвистик изланишлар икки асосий йўналиш доирасида олиб борилаётганини сезиш қийин эмас. Булардан биринчиси социо-маданий бўлса, иккинчисига когнитив прагматика атамасини бериш маъқул кўринади. Социо-маданий прагматика мулоқот кечишининг “ташқи” омиллари, яъни лисоний шакл танловининг турли



ижтимоий, маданий омиллар билан боғлиқ жиҳатларини аниқлашга интилади. Ушбу йўналишдаги изланишлар қаторига ҳурмат ва ҳурматсизлик назарияси, социал дейкис, мулоқот услублари (ғарб тилшунослигида-конверсацион таҳлил), риторик амаллар, нутқ маданияти, дискурс турлари, функционал услубга оид тадиқотлар кирази. Иккинчи йўналишда эса эътибор дискурсив фаолиятининг “ички” омилларига қаратилади ва бунда, ўз навбатида, прагматика ва грамматик тизимнинг сарҳаддошлик муносабатлари, тағмаънони ҳосил қилувчи ҳодисалар, шунингдек, лисоний фаолиятнинг когнитив асослари тадиқи олдинги ўринга чиқади.

Кўринадики, социо-маданий прагматиканинг асосий вазифаси тил тизими бойлигидан маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки жамоа доирасида фойдаланиш меъёрларини аниқлашдир. Меъёр (норма) тушунчаси тилшунослар ва социологлар томонидан турлича талқин қилиниб келинмоқда, бир томондан, у умумий ҳаётий тажриба асосида юзага келадиган доимий, одат тусига кирган ҳаракатга тааллуқли бўлса, иккинчи томондан, жамоа томонидан маъқулланган қоидалар тўпламига оиддир. Шу боис социоллингвистлар уларни регуляторлар, яъни ҳатти-ҳаракатни бошқариш меъёрлари (regularities) ва мажбурий меъёрлар (oughtness norms) гуруҳларига ажратадилар (Swann, et al: 225). Бундай талқинда меъёрларни тил бирликларидан фойдаланиш аънанаси (одати) ва уларни қўллаш қоидалари сифатида тавсифлаш мумкин. Бироқ айтиладиган меъёрларни бир биридан тўлиғича фарқлаш ёки ажратиб қўйиш қийин масала.

Маълум даражада кўзга ташланадиган фарқ рухий-психологик кўринишга эга. Зотан, меъёрлар қоидаларга асосланганида кишилар уларни маълум кўрсатмалар, талаблардан иборат ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қиладилар, меъёрлар одат тусидаги тажриба бўлганида эса, улар беихтиёр

бажариладиган ҳаракат қолипларидан иборат бўлиб, уларга амал қиладиган шахс ҳатто шундай қолип мавжудлигини сезмасдан ҳам қолади.

Социо-маданий прагматика учун муҳими меъёрларнинг қайси турда бўлиши эмас, балки мулоқот муҳитида, унинг бир хил вазиятларида турли этник ва ижтимоий гуруҳлар вакиллари қайси меъёрларга риоя қилиши лозимлиги ҳамда ушбу меъёрлардан четга чиқиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқлашдир. Афсуски, прагматиканинг ушбу йўналишида асосий эътибор сўзловчи шахс ҳатти-ҳаракатлари ва алоҳида жумлалар воситасида бажариладиган нутқий актларга қаратилиб, тингловчининг ҳаракатлари, унинг идрок этиш (тушуниш) қобилияти ҳамда мулоқотнинг кейинги ривожланиш босқичлари, бироз бўлса-да назардан четда туради. Бундай ҳолат айниқса, нутқий актлар назариясида яққол кўзга ташланади. Хайриятки, кейинги йилларда ҳурмат категориясининг мазмун майдони кенгайтирилиб, жўялилик, ножўялилик, ҳурматсизлик каби прагматик мазмунлар ҳам категориал белгилар қаторига киритилмоқда (Locher, Watts:85-116; Ш.Сафаров 2008:131-139).

Бундан ташқари, социо-маданий прагматика соҳасида инсон мулоқотининг пойдеворида турадиган, унинг асосини ташкил қиладиган омиллар ҳамда ушбу омилларни ҳаракатга келтирувчи механизмлар тадиқи билан шуғулланиб келмоқда. Бунинг натижасида, инглиз тилида сўзлашувчилар жамоаларида қабул қилинган меъёрларга универсаллик, умумийлик нисбати берилиб, бошқа маданиятлардан уларнинг муқобиллари қидирилмоқда. Қиёсий ва маданиятлараро прагматиканинг ривожи, албатта, бу борадаги нуқсонларнинг аста-секин бартараф этилишига туртки бериб турибди. Аммо меъёрларнинг ягона, бир тил, маданият доирасида вариантлашуви масаласи тадиқотчилар диққатини кенг миқёсида жалб қилиб улгурганича йўқ.



Алоҳида бир лисоний маданиятга хос бўлган ҳамда унинг вакиллари мулоқотида учрайдиган прагматик фарқларни ўз-ўзидан пайдо бўладиган, қандайдир тартиботсиз фарқлар ёки нуқсонлар кўринишида талқин қилиш катта методологик хатога сабаб яратади. Зеро, ягона бир тилда сўзловчилар ушбу тилдан маълум мулоқот муҳитларида бир хилда фойдаланиши ҳақидаги фикр ва шу йўсинда тилни бир хил ва биртекис тузилишдаги тизим сифатида қабул қилиниши редукционизмнинг яққол намунаси.

Аслини олганда, ягона бир маданият доирасида бир хил турдаги коммуникатив меъёр, қоидаларнинг амал қилишини тасаввур қилишнинг ўзи қийин масала. Баъзи адабиётларда қайд қилинган «маданият - коммуникациядир, коммуникация эса - маданият» кабилидаги фикрлар эскириб бўлди. Бу икки ҳодиса бир-бирини биртекисда такрорлай олмайди, улар ўзаро боғлиқликка нисбатан икки хилдаги нуқтаи назар ва вокеланишдир. Маданият ҳақида сўз кетганда диққат структурага қаратилса, коммуникация шу структурадаги жараён дир. Маданият умумий қобилият тизими сифатида тасаввур қилинадиган бўлса, унинг фаоллашув қоидалари маълум жамоа аъзоларининг «жамоавий ўйин»га иштирокини назоратга олувчи меъёрлар мажмуасидан ўрин олади. Иштирокчилар ўйин давомида маълум қолиплар асосида юзага келаётган қоидаларга беихтиёр амал қилишга мажбурдирлар. Лекин бирор бир шахс у ёки бу маданиятни тўлиқ, унинг барча қисмларини ҳеч қандай камчиликсиз ўзлаштириб олишига ишониш қийин. Маданият рамзлар, символларнинг оддий тўпламидан иборат эмас, у инсон онгида жамланадиган, тартиблаштириладиган билимлар ва ахборотлар тизимидан ташкил топади. Шунинг билан биргаликда, маданият вакиллари баҳам кўрадиган билимлар захирасининг улуши ҳарҳолда катта ҳажмда ва шу сабабли улар ўзаро

муносабатларни тартибга солиш, бошқариб бориш имкониятига эгадирлар. Маълум муҳитда содир бўладиган коммуникатив ҳатти-ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш меъёрлар, қоидаларни аниқлаш имконини берса-да, бироқ бу меъёрлар бўлажак фаолият, ҳаракатнинг қандай кечишини ҳар доим ҳам олдиндан белгиланишига йўл бермайди.

Когнитив ёндашув, ўз навбатида, прагматикага бошқача мундарижа ва кўриниш бағишлайди. Бундай ёндашувда бутун тизимга хос ҳаракатларни таъминловчи тамойиллар аниқланади. Шу жумладан, тилдан фойдаланиш ва лисоний ҳаракатларни тушуниш тамойиллари қаторини белгилаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Мантқиқшунос Пол Грайс когнитив прагматиканинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Буни биз унинг “ўзаро ҳамкорлик тамойили” да (Cooperative Principle) кўраимиз: “Мулоқотга қўшаётган ҳиссангиз талаб қилинганидек яъни у юзага келаётганида белгиланган мақсад сиз иштирок этаётган суҳбат йўналишига мос келиши керак ” (Grice 1989:26).

Ушбу тамойил оқилоналикнинг умумий қонуниятлари намунаси бўлиб, унинг қатъийлиги эса инсон ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатувчи бошқа қоидалардан фарқини таъминлайди.

Айтиш жоизки, ўз фикрини маълум қилиш ва мулоқот юритиш тамойиллари Кайковус, Ҳусайн Воиз Кошифий, Фаридуддин Атор, Алишер Навоий каби Шарқ мутафаккирлари яратган асарлар, пандномаларда санаб ўтилган ва уларни билиш, уларга амал қилиш мулоқотнинг оқилона кечишини белгиловчи омил эканлиги кўп бора таъкидланган (қаранг: Ш.Сафаров 2008:128-130; Ҳакимов 2013:64-71).

Машхур прагматик С.Левинсон ажратган тамойиллар ҳам сўзловчининг лисоний шакллар танловини қолиплаштириш ва тингловчи идрокнинг умумий шартларини белгилашга



йўналтирилган. Бинобарин, Q-principle деб аталган тамойилни оладиган бўлсак, унда сўзловчига нисбатан воқеликка мос келадиган мавжуд фактларни тўлиқ қамраб оладиган ахборотни маълум қилиш талаби қўйилади. Тингловчи ҳам ахборотнинг тўлиқ ва рост эканлигига ишониши зарур (Levinson 2000:114). I-principle атамасини олган тамойилда эса “Имкони борича қисқа сўзла” қондаси устувордир. Камроқ лисоний энергия сарфлаш, яъни лисоний бирликларни иложи борича кам миқдорда қўллаш йўли билин коммуникатив мақсадга эришиш ушбу тамойилнинг асосида туради. Тингловчи, ўз навбатида, қабул қилинаётган ахборотни идрокнинг махсус усулларини топган ҳолда янада бойитиши, кенгайтириши мумкин (Levinson 2000:114). Равшанки, С.Левинсон таклиф қилаётган тамойиллар умумийлик хусусиятига эга, лекин бундай шартлар баъзан мулоқот муҳитининг асосий иштирокчиси ва ижрочиси бўлмиш шахснинг роли ҳамда имкониятларини чегаралаб қўйиш, ҳатто ахборот мазмунини нотўғри қабул қилиш ҳолатлари туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Прагматик тамойиллар ҳақида гапираётиб, имплицатуралар назариясини (theory of implicatures) эслатмасликнинг иложи йўқ. Ушбу назарияни ташвиқот қилган П.Грайс (Grice 1975) икки хил маъно мавжудлигини ўқтирган эди: 1) бевосита маълум қилинаётган маъно ва 2) назарга тутилаётган, яширин маъно. Сўзловчи нуткида бевосита ифодалаётган маъно, талаффуз қилинаётган жумла, гапнинг мантиқий мундарижаси – пропозицияга мос келади. Маълум қилинаётган ахборотнинг қолган қисми имплицатурани, яъни “тагига етиш” усулида аниқланадиган тагмаънони ташкил қилади.

Бошқача айтганда, сўзловчи нутқий актни бажараётиб, ундаги сўзлар кўпроқ, бойроқ маъно ифода этишини режалаштиради.

Файласуф Т. Грайс келтирган кичик диалогни олайлик:

Andy: I think we should get a pet “Фикримча, бирор бир уй ҳайвонини сақлаш бўлар эди”.

Bless: Cats are my favourite animals “Мушуклар менинг севимли ҳайвоним”.

Бесс юқоридаги гапни айтаётиб, бошқача мазмун ва мақсадни кўзламоқда, яъни уй ҳайвони сифатида мушукни сақлаш лозимлигини билдирмоқда. Мазмуннинг бу йўсинда ифодаланиши имплицатура ёки тагмаъно ҳодисасининг воқеаланиш намунаси. Айнан бу ҳодиса бирор бир лисоний шаклнинг ўзга маъно касб этишига манба туғдирувчи омиллардан биридир. Масалан, инкор пресуппозициясига ишора қилувчи воситалар айрим турдаги тузилмалар тартибда қўлланиб, маълум контекстларда тасдиқни ифодалаши мумкин. (қаранг: Лутфуллаева 1997:18).

Шунинг билан биргаликда, имплицатуралар турғунлашган ёки доиралашган (conventional) ҳамда дискурсив ёки мулоқот муҳитига оид (conversational) кўринишларга эгадирлар. Қиёсланг: She stretched forth a hand to a glass about a third filled water, said “Would you mind filling that for me again?” Nell Sims took the glass to the bathroom (W.S. Maugham. The Painted veil).

Ушбу парчадаги сўроқ гапи шу даражада турғунлашган ёки қолиплашган - ки, ҳатто унга жавоб бериш ҳам шарт эмас.

Мулоқот ва нутқий ижод фаолиятларини тартибга солувчи тамойилларни ягона бир махраж остида жамлаш имкони йўқмикан?

Мантиқшунос Дан Шпербер ва Дерде Уилсонлар куйилган саволга ижобий жавоб бериш измидадирлар. Уларнинг фикрича, барча тамойил ва коидаларни релевантлик, яъни ўринлилик нуктаи назаридан изоҳлаш ҳамда бирлаштириш мумкин. Менимча, олимлар «улуғлашаётган» тамойил коммуникациядан кўра кўпроқ тафаккур фаолиятига оид, чунки ушбу фаолият



мақсади – ўринли, воқеа, ҳодиса табиатига оид ахборот олишдир ва бу ахборот қанчалик бой, ўринли бўлса, шунчалик маъқул. Айни пайтда, коммуникация тафаккур фаолиятининг ажралмас қисми эканлигини унутмаслик лозим. Шу боис, релевантлик (ўринлилик) тамойили сўзловчининг мулоқот қилишига кўшаётган ҳиссаси билан биргаликда тингловчи фаолиятини ҳам назорат остига олиши муқаррар. Д.Шпербер ва Д.Уилсонлар уқтиришича, сўзлашни маъқул кўраётган сўзловчи имкони борича нутқининг ўринли бўлишига ҳаракат қилади. Пировардида, тингловчи ҳам эшитаётганининг ишончли эканлигига умид билдиради ва шундай қабул қилади. Худди шу ишончни (баъзан у тахмин бўлса-да) муаллифлар релевантлик (ўринлилик) тамойили сифатида эътироф этадилар (Wilson, Sperber 1991:382).

Тафсифланаётган тамойил самарасини намойиш этиш мақсадида қуйидаги диалогни таҳлил қилиб кўрайлик:

A. Will you join me for lunch?
”(Тушликка менга қўшиласизми?)”

B. We'll be at the bank for some time?
“Биз бироз пайт банкда бўламиз”

Диалогдаги жавоб гапининг мантиқий мазмунини, пропозициясини фаҳмлаш учун унинг референцияси тўлдирилиши ва кенгайтирилиши лозим. Биринчи навбатда, we «биз» олмошининг референтини аниқлаш талаб қилинади ва бунинг учун контекстга мурожаат қилишга мажбурмиз. Албатта, контекст замон ва макон кўрсаткичлари жиҳатидан узоқроқ бўлганида ушбу омилни бажариш қийинроқ кечади ва кўшимча ақлий энергия сарфини талаб қилади. Bank сўзининг маъносини чақиш ҳам худди шу каби ақлий таҳлил орқали кечади ҳамда бу сўзнинг «пул тўловларини бажарувчи ташкилот» маъносида

қўлланилаётганлиги, «қирғоқ» (side of river), «қон заҳираси» (blood bank) каби бошқа маъноларнинг контекстга мос келмаслиги аниқланади. Нихоят, sometime

иборасининг мазмунидаги ўзига хосликка ҳам эътибор қаратиш лозим, чунки бу ерда сўзловчи банкда соатлаб эмас, балки маълум муддатга, бир неча дақиқа бўлишини айтмоқчидек. Мабодо ундаги bank сўзи «дарёнинг қирғоғи» маъносида қўлланганида, унда some time узоқ муддат, «бир неча соатлар» ни англатиш мумкин эди (чунки улар балиқ овига бораётган бўлишлари мумкин).

Кўринадик, сўз ва ибораларнинг контекстдаги маъноси ўринли эканлигини аниқлаш йўли билан сўзловчи фикрининг изоҳига эришилади, барча пропозициялар равшанлашади. Аммо пропозиция коммуникатив мазмунга мос келмаслиги кўплаб учрайдиган ҳол. Юқоридаги диалог иштирокчисининг мақсади ҳам маҳаллий банкда (дарё қирғоғида эмас) бир муддатда бўлишини маълум қилиш эмас, аксинча коммуникатив мақсад бошқачарок: у маълум муддат банкда банд бўлади, демак биргаликда тушлик қилиш таклифини қабул қила олмайди. Таклифни инкор этишининг бундай яширин, тағмаъноли йўлини танлашда, одатда, суҳбатдошнинг билим заҳирасига ишора қилинади, унинг фаҳмий қобилияти асл мазмунини излаш учун етарли эканлигига ишонилади.

Шундай қилиб, прагматик таҳлилнинг икки асосий йўналиши қиёси кўрсатишича, йўналишлардан биринчисининг таянч нуқтаси меъёрлар (норма) бўлса, иккинчисиники – тамойиллардир. Лекин уларни бир биридан тамоман ажратиб қўйиш ёки тадқиқ жараёнида бирини танлаб, иккинчисини эса инкор этиш мумкинмикан?! Аминманки, бундай ажримчилик методологик жиҳатдан нотўғри ва ўта хавфли йўл. Таҳлил усуллариининг бирини иккинчисига қориштириб юбориш ёки бирини устувор ўринга кўтариб, иккинчисини унутиб юбориш фанда редуционализм, яъни тўхтаб қолиш, орқага силжиш ҳолати юзага келишига сабаб бўлиши аллақачон ўз исботини топган. (қаранг: Ш.Сафаров 2015: 91-93). Маълумки, хурмат



категорияси универсал тамойил эканлиги ва унинг ифода воситалари этник хусусиятга эга эканлиги кўп марта қайд этилган. Жумладан, директив нуткий активнинг савол шаклидаги гап воситасида (Could you please answer me? «Марҳамат қилиб жавоб берасизми») ифодаланиши ҳурмат меъёрларига жавоб беришини прагматикага оид адабиётларда ўқиб турамыз. Аммо кейинги изланишлар универсаллик ҳақида ҳукм чиқаришда эҳтиёт бўлиш лозимлигидан дарак бермоқда. А.Вежбица юкоридаги шаклни баъзи славян маданиятларида оддий (стандарт) савол мазмунида қабул қилишларини кўрсатиб ўтади (Wierzbicka 1991). Тай миллати вакиллари учун эса ушбу савол шакли кўпол эшитилади, чунки бу ҳолатда сўзловчи суҳбатдошининг у ёки бу ишни бажара олишига гумонсирамоқда, унчалик ишонмаяпти (Kerbat – Orecchioni 1994).

Редукционизмдан қочишнинг ягона йўли турли таҳлил усуллари, йўналишларини қориштириб юбормасдан туриб, уларнинг ўзаро кесишув нуқталарини излаб топиш ва шу аснода уларнинг умумий мақсад сари бажарадиган вазифаларини, якуний натижага эришишга қўшадиган улушини белгилашдир. Нуткий мулоқот иштирокчилари турли кўринишдаги қобилиятга эга бўлишлари шарт. Тил тизими ҳақидаги билим лисоний қобилиятнинг муҳим қисми эканлиги аниқ, лекин бу билим мулоқот самараси учун етарли эмаслиги ҳам барчага маълум. Когнитив мўлжалли тадқиқотларда инференция ҳодисаси олдинги ўринга чиқади, чунки бу ҳодиса лисоний ифода топаётган (кодлаштирилаётган) маъно ва маълум контекстдаги мазмун ўртасидаги

узилиш, номутаносибликни бартараф этиш учун хизмат қилади.

Инференция мавжуд билим бўлақларини ўзаро бириктириш воситаси янги турдаги ахборотни эгаллаш имконини берадиган умумий қобилиятдир. Воқеа – ҳодисалар сабабини англаш, изохлаш учун абдуктив мантикий таҳлил бажарилади, масалан, ошхона поли сувга тўлганлигини кўриб, бирор бир ускуна бузилганлиги, тешилгани ҳақида хулоса чиқарасиз. Худди шу каби сўзловчини эшитиб, унинг гаплари маъносини топиш учун маъқул изоҳни қидирасиз ва изоҳимиз сўзловчи мақсадига мос келиши керак.

Когнитив фаолият, қанчалик даражада шахсга хос бўлмасин, ижтимоий – маданий қобиққа эга. Инсон хатти – ҳаракатлари, одатга айланадиган фаолият турлари шахсий ва жамоавий тажриба асосида юзага келади ҳамда шу тажриба негизида шаклланган қолиплар, схемалар доирасида уларнинг тўғри ёки нотўғри бажарилаётганлиги белгилаб берилади. Демак, меъёр мулоқот фаолиятида, нутқ ижодида “тозалагич” вазифасини ўтайди.

Хуллас прагматика ҳар иккала йўналишда ҳам етарли даражада ривож топиб, қониқарли натижаларга эришиб улгурди. Навбатдаги вазифа – ушбу йўналишлар ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда уларнинг эришган натижаларининг умумий самарадаги ҳиссасини белгилашдир. Фақат шу йўлдан борилгандагина мулоқот фаолиятининг қайси жиҳатларини универсаллика йўйиш ва қайсиларини этномаданийликка қолдириш лозимлигини аниқлаш мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, мулоқот жараёнида лисоний ва маданий билим соҳаларидан фойдаланишга оид муаммолар ечимини топиш вазифасини енгиллаштиради.

Адабиётлар

1. Cruse D.A. Meaning in Language: An introduction to Semantics and Pragmatics. - Oxford :OUP, 2000.
2. Green G. Pragmatics and Natural Language Understanding. – Manwah , NJ.: Erlbaum, 1996.
- Swann J., et al. A Dictionary of Sociolinguistics. Edinburg: EUP., 2004.



3. Locker M., Watts R. Politeness theory and relational work //Journal of Politeness Research, 2005.
4. Сафаров. Ш. Прагмалингвистика, -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашрети, 2008.
5. Kasper G. Wessen Pragmatik? Fur eine Neubestimmung fremdspachlicher Handlungskompetenz// Zeitschrift fur Fremdsprachenforschung, 1995. Vol.6 (1).-5.69-94.
6. Grice P. Studies in the way of works.- Cambridge , M.A. Harvard university Press, 1989.
7. Хакимов М. «Ўзбек прагмалингвистикаси асослари», - Т.: Akademik nashr. 2013.
8. Levenson S. Presumptive Meanings. The Theory of Conversational Implicature. Cambridge, MA : MIT Press 1975 vol.3 Speech acts. – P 83 -105.
9. Д.Лутфуллаева., Тасдик гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиклик. филол. фан. номзоди дис.... автореферат. –Т.: 1997.
10. Sperber D., Wilson D. Relevance. Communication and Cognition. - Oxford: Blockwell, 1995.
11. Wilson D., Sperber D. Inference and implicature. In: Pragmatics: A Reader, - New York OUP 1991 –P 377-393.
12. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. Т.: Баёз, 2015.
13. Wierzlicka A. Cross-Cultural Pragmatics. The Semantics of Human Interaction. - Berlin: Monton De Gruyter 1991.
14. Kebet-Oreschioni C. Les interactions verbales. – Paris, 1994.

Safarov Sh. Socio cultural and cognitive directions of pragmalinguistics. The article is about two different branches of pragmalinguistics. Main aim of the study is to find coexistence of socio cultural and cognitive aspects of language use.

Сафаров Ш. Социально-культурные и когнитивные направления прагмалингвистики. В статье рассматриваются отличительные черты двух основных направлений современной прагмалингвистики, намечаются контуры сосуществования социокультурных и когнитивных аспектов прагматического описания языкового употребления.
